

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган изчил ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишди.



## Суд тизими бенуқсон ишлаши керак

Амалий мулоқот чоғида парламент куйи палатаси аъзолари қонун лойиҳаларини ҳудудларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш, одамларнинг турмуш сифатини яхшилаш, тadbиркорлик субъектларининг эркин фаолияти учун қулай шароитлар яратишни кўзлаб муҳокама қилдилар. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча институтларининг самарали фаолиятини таъминлашда ҳакам ўрнини тутувчи суд тизимининг иши аниқ, бир маромда бориши зарур.

Парламент аъзолари таъкидлаганларидек, суд тизими бенуқсон ишлаши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Судлар тўғрисида»ги Қо-

нунга ва бир қатор процессуал кодексларга киритилаётган, янгидан ташкил этилаётган маъмурий ва иқтисодий судларнинг тегишли ҳуқуқий базасини яратиши ва, шу билан бирга, қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишга доир бир-бирини такрорловчи инстанцияларни чиқариб ташлаган ҳолда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириши лозим бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар айнан шунга қаратилган.

Шунингдек, депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва ла-

возимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга ошираётган, суд кадрларини танлаш ва жойлаштириш учун масъул орган деб ҳисобланар эди. Бунда Комиссия, аниқ ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган ҳолда, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширарди, судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўзгатиш, судьяларни рағбатлантириш чоратадбирлари ташаббуси билан чиқиш юзасидан ваколатларга эга бўлмаган. Мазкур Қонун ушбу камчиликларнинг ўрнини тўлдиришга ва конституциявий орган мақоми ҳам берилиб, ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгашининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган.

Умуман олганда, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг ягона олий орган – Олий суд раҳбарлигида судлар фаолиятининг, маъмурий суд иш юритуви ҳамда ҳўжалик иш юритувининг ўрнига – иқтисодий иш юритувининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилади.

Мажлис давомида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати материали асосида.

## «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

белгиси остидаги маҳсулотлар кўпаймоқда

Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити самарасида турли соҳаларда, жумладан, тери хом ашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш, рақобатдош пойабзал ҳамда чарм-атторлик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб тadbиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2016 йил 15 сентябрдаги «2016–2020 йиллар даврида чарм-пойабзал sanoатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори (15.09.2016 йилдаги ПҚ-2592-сон) бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида «Excel» савдо белгиси остида тайёрланаётган пойабзаллар сифати ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборига тушаётгани бунга мисол бўлади.

Харидор пойабзал сотиб олар экан, аввало, у қандай хом ашёдан тайёрлангани, сифати билан қизиқади. Агар у асл чармдан тикилган бўлса, иккиланмай харид қилади. Чунки яхши кўндан тайёрланган оёқ кийими бежирим, чидамли бўлади.

«Excellent East» МЧЖ ана шундай сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналардан бири.



– Эркаклар учун тўрт мавсумга мўлжалланган пойабзал ишлаб чиқармоқдамиз, – дейди корхона директори Фазлиддин Мухторхўжаев. – Маҳсулотларимизнинг бичими, дизайни замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Зарур хом ашёни маҳаллий ишбилармонлардан олмақдамиз. Ўтган йили 3 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда беш миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўтилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпини экспорт қиламиз.

Корхона бир йилда 200 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар Россия, Ҳиндистон, Қозғистон, Бирлашган Араб Амириклари каби ўнга яқин давлатга экспорт қилинмоқда.

«Excellent East» МЧЖда олти-мишдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [norma.uz](http://norma.uz), [ngm.uz](http://ngm.uz) сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Президент девони тузилмаси янгиланди

Президентнинг 1.03.2017 йилда ПФ-4974-сон Фармони билан Президент девонининг янгиланган низоми ва тузилмаси тасдиқланди.

Президент Девони давлат раҳбари томонидан шакллантириладиган аxbорот-таҳлил ва ташкилий-назорат органи ҳисобланади. Девон Президентга буйсунади ва бевосита унга ҳисобдордир.

Девоннинг асосий вазифаларига Президентнинг конституциявий ваколатлари амалга оширилишини таъминлаш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибни таъминлашда кўмаклашиш ва бошқалар кирди.

### Тузилма ҳақида

Айрим таркибий тузилмаларнинг ташкил этилиши, қисқартирилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида Президент Девонининг

2-бетда

Ушбу сонда:

Меҳнат шартномасими ёки ФХШ: пенсионерга қайси бири яхшироқ?

Пенсияга мажбурий чиқариб юборишлари мумкинми?

«Қарзни сўндириш схемаси» дегани нима у?

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

тузилмаси ҳам ўзгарди.

Энди Президент Девони таркибига қуйидагилар қиради:

➤ **ташкилий-кадрлар хизмати;**  
➤ **сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати;**

➤ **жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати;**

➤ **ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати;**

➤ **оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизмати;**

➤ **жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизмати;**

➤ **фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати;**

➤ **ишлар бошқармаси;**

➤ **ижро этувчи аппарат.**

Девон таркибига, шунингдек вази-фа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида ҳужжат билан белгиланадиган Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳам қиради.

Санаб ўтилган хизматларга тасдиқланган рўйхат бўйича тузилмалар, маслаҳат ва кенгаш органлари бириктирилган.

### Ходимлар ҳақида

Девоннинг бошқарув ходимлари Президент томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Ёрдамчи ходимлар Девоннинг Ишлар бошқарувчиси томонидан лавозимга тайинланади. Барча ходимларнинг функционал мажбуриятлари тегишли тузилмалар раҳбарлари томонидан белгиланади.

Бошқарув ходимлари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун қўшимча тўлов ва устамалар сақлаб қолинади. Бунда бошқарув ходимлари аввалги иш жойида ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан, Девонда амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ва лавозим маоши ҳамда бошқа тўловлар сақланган ҳолда, фойдаланади.

Президент девонида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади, бундай унвонларни бериш тегишли ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган вақт ўтгандан сўнг аввалги иш жойида белгиланган тартибда тегишли таркибий тузилма раҳбарининг тавсияномаси асосида амалга оширилади.

## Ҳокимликлар ходимларига узоқ муддат ишлаганлиги учун устамалар берилади

Вазирлар Маҳкамасининг 7.03.2017 йилдаги 123-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ходимларининг лавозим маошларига узоқ муддат ишлаганлиги учун ҳар ойлик устама тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппарати-нинг бошқарув ходимларига устамалар тўланади. Уларнинг миқдори ходимнинг умумий иш стажига боғлиқ равишда қуйидаги миқдорларда ҳисоблаб чиқарилади: **4 йилдан 7 йилгача – 5%; 7 йилдан 10 йилгача – 10%; 10 йилдан 15 йилгача – 15%; 15 йилдан 20 йилгача – 20%; 20 йилдан 25 йилгача – 25%; 25 йилдан ортиқ – 30%.**

Ходимларда улар иш фаолиятининг 49-ойидан бошлаб устама олиш ҳуқуқи вужудга келади.

Устама ушбу ойда ишланган давр, шу жумладан таътиллалар даври ва вақтинча меҳнатга лаёқат-

сизлик даврлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг иш ҳақи тўлиқ ёки қисман сақланиб қоладиган давр учун тўланади.

Шу билан бирга Учқудуқ, Зарафшон ва Нуробод шаҳарлари ҳокимликларида жорий этилаётган устамалардан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқумнодир-металлолтин» концерни ва Олмалик кон-металлургия комбинати корхоналарини юқори малакали мутахассислар ва ишчилар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (10.12.1994 йилдаги 594-сон) 4-бандига мувофиқ белгиланган бюджет соҳаси ходимларига узоқ муддат ишлаганлиги учун ойлик устама тўлаш сақланиб қолади.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.

## КАДРЛАР БЎЛИМИ

**Молиявий-иқтисодий прогнозлаш бўлими ходимларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқяпмиз. Корхона юристи уларнинг йўриқномадаги вазифалари Лавозимларнинг тармоқлараро маълумотномасига қатъий мувофиқликда акс эттирилишини талаб қилмоқда.**

**Ходимнинг лавозим йўриқномасини тузишда Тармоқлараро маълумотномада кўрсатилган барча вазифаларини киритиш мажбурийми ёки тармоқ ва корхона хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вазифалари таркибини ўзгартириш мумкинми?**

А.Саматова.

## Лавозим йўриқномаси учун асос

– Йўқ, мажбурий эмас.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоқазолларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади (МКНнинг 176-моддаси 2-қисми).

Лавозимларнинг тармоқлараро маълумотномаси ёки, аниқроқ айтишда бўлса, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқлараро тариф-малака маълумотномаси (ТТММ) (МАИМ ҳайъатининг 28.01.2016 йилдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган) бир қатор мақсадлар, шу жумладан **лавозим йўриқномаларини** ишлаб чиқиш учун мўлжалланган. Хусусан, ТТММда кўрсатилган хизматчилар лавозимларининг малака тавсифномалари асосида муайян хизматчилар (ташкilotлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, мутахассислар ва б.) учун лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилади. Уларни тузишда ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари, меҳнат жараёнларини бажариш технологияси ҳисобга олинган ҳолда тавсифномаларда назарда тутилган мажбуриятлар аниқлаштирилади. Бунда лавозим йўриқномаларида кадрлар бўйича ва (ёки) юридик хизматлар хизматчиларнинг лавозимлари аниқ мувофиқ бўлишини таъминлашлари мўҳим (*Хизматчиларнинг асосий лавозимлари классификацияси, ВМнинг 164-сон қарори билан тасдиқланган Классификаторга 2-қисми*).

**Молиявий-иқтисодий прогнозлаш**

бўлими ходимларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишда тармоғингиз ва корхонангиз хусусиятларини инобатга олган ҳолда ТТММда кўрсатилган айрим вазифаларига (ўзгартириб/тўлдириб) аниқлик киритишнинг мумкин.

Хизматчилар лавозимларининг малака тавсифномалари ва ишчилар касбларининг тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш хусусиятлари Хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини тайёрлашга доир тавсияларда (МАИМКВ, 5.10.2010 йилдаги 02/2675-сон) янада батафсил ва амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Яъни ТТММга иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун умумий бўлган, амалиётда кенг фойдаланиладиган оммавий хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари малака тавсифномалари киритилган. Айрим тармоқлар учун хос бўлган лавозимлар ва касбларнинг малака тавсифномалари вазирликлар ва бошқа идоралар томонидан ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланади.

Шу тариқа, ТТММ ташкилий-фармойиш тусидаги ички ҳужжатлар – ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш хусусиятлари ҳисобга олинган ходимлар лавозим мажбуриятларининг аниқ рўйхати, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги қайд этилган лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Камол Музаффаров,  
«Norma Online» етакчи эксперти.

## Эълонлар ва реклама

### ХИЗМАТЛАР

Ташкilotлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўчаси, 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

### УШБУ СОНДА

• **ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

– Суд тизими бенуқсон ишлаши керак **1-бет**

• **УСТУВОРИКЛАР**

– «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остида махсулотлар кўпаймоқда **1-бет**

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**

• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**

– Лавозим йўриқномаси учун асос **2-бет**

• **ПЕНСИЯ ИШИ**

– Пенсияонерлар метрода бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар

– Шартнома тузган маъқул

– Вақтинча ёки доимий

– Стаж, норма, имтиёз

– Исталган пайтда

– Аскар учун пенсия

– Кимга қанча

– Ихтиёрий асосда

– Пенсияни сақлашга

– Мерос учун давлат божи

– Меҳнат дафтарчаси қайтариладими?

– Тўловларни олмайдилар

– Тизимда қатнашмоқчимиз **3-6-бетлар**

• **ҲУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**

– Қарз алмашиш

– Семинарда қатнашиш: шартнома

ва тўлов

– Чекланган улгуржи савдо

– Иштирокчи ҳақли **7-бет**

• **ТАДҚИКОТ**

– Экспорт тартиботини соддалаштиришда ВАОнинг ўрни (ҳорийий тажриба)

• **ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ**

– Қўшнингнинг уйига ўт кетса... **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

# ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон\*

Хозирда пенсияга чиққанлар учун асосий пенсиясидан ташқари, қўшимча ҳақ ишлаб топишга ҳам имконият яратилди. Ушбу нашрда сиз Пенсия жамғармаси бўлимида муаммолар юзга келмаслиги учун пенсионер ходим ва маъмурият ўртасида меҳнат муносабатларини қандай расмийлаштириш кераклиги ҳақида билиб оласиз.

Бундан ташқари, ўқувчиларимиз ва [norma.uz](http://norma.uz) сайтига ташриф буюрганлар дуч келган бир қанча вазиятлар юзасидан тушунтиришлар сиз учун қизиқарли бўлади.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни [norma.uz](http://norma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газета-мизнинг [gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz) ва [ntv@norma.uz](mailto:ntv@norma.uz) электрон манзилларига йўлланг.

## Қонунчиликдаги янгиликлар

### Пенсионерлар метрода бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар

Хукуматнинг «Тошкент метрополитенида пенсионерларни бепул ташиш тўғрисида»ги (9.03.2017 йилдаги 128-сон) тегишли қарори имзоланди. Пойтахт фуқаролари ва меҳмонлари 15 мартдан бошлаб пенсия гувоҳномасини кўрсатиб, соат 10.00 дан 16.00 гача метрода бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Пойтахт ҳокимиятида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур ҳуқуқдан қандай фойдаланиш ҳақида сўз юритилди.

Пенсионерлар махсус жетонларни метро жетонлари сотиладиган исталган кассадан олишлари мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон фуқаросининг пенсия гувоҳномаси (шу жумладан соғлиги ҳолатига кўра пенсияга чиққанлар гувоҳномаси) кўрсатилиши керак. Бошқа минтақалардан келган пойтахт меҳмонлари ҳам ушбу имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Пенсионерлар учун жетонлар оддий жетонлардан фарқ қилади. Бу имтиёздан

фойдаланувчи йўловчиларнинг сонини ҳисобга олиш учун зарурдир. Имтиёзли махсус жетонлардан алоҳида турикетлардан ўтишда фойдаланилади.



\*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

## БУГУНГИ СОНДА:

**ШАРТНОМА  
ТУЗГАН МАЪҚУЛ**

Қўшимча ишлаб  
олиш вақти  
етди **2**

**АСКАР УЧУН  
ПЕНСИЯ**

Қарз албатта  
узилиши керак **4**

**КИМГА ҚАНЧА**

Чет элда  
ишлайди –  
бадалларни  
юртида  
тулайди **6**

**МЕРОС УЧУН  
ДАВЛАТ БОЖИ**

Давъони  
пенсионер  
берганди **8**

Маевзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

– Бугунги кунда метро станцияларида пенсионерлар ўтиши учун махсус турникетлар ўрнатилган, 15 мартгача эса барча кассалар зарур миқдордаги пенсионерлар учун махсус жетонлар билан таъминланади, – дея тушунтириш берди «Тошкент метрополитени» УК ҳаракатланиш хизмати бошлиғи Дилшод Матсинов.

Қўшимча кўпроқ жетонлар олишнинг имкони бўлмайди, чунки пенсия гувоҳномаси кўрсатилганда фақат 1 жетон берилади. Бепул юриш учун жетон олиш ҳуқуқи пенсионернинг ўзигагина тақдим этилади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ушбу ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини

янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори (23.01.2017 йилдаги 31-сон) ижросини таъминлаш, шунингдек кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар бири тўғрисида ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш мақсадида қабул қилинган.

Ҳужжатда шунингдек бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи пенсионерларнинг ҳар кунги сони ҳисобини юритиш тартиби белгиланган. Келиб тушиши мумкин бўлган даромадлар эса давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

**Саида Жонизоқова,**  
мухбиримиз.

## Кадрлар бўйича инспекторлар эътиборига

# Шартнома тузган маъқул

Ҳозир пенсияга чиққан кишиларда асосий пенсиясига қўшимча равишда пенсиянинг энг кам миқдордаги маблағни ҳам ишлаб топиш имкони мавжуд. ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев пенсионер ходим билан маъмурият ўртасидаги меҳнат муносабатларини Пенсия жамғармаси бўлими билан муаммо юзага келмайдиган қилиб қандай расмийлаштириш кераклиги ҳақида сўзлаб берди.

– *Ишга қабул қилиш чоғида маъмурият билан шартнома тузамиз. Ишловчи пенсионер учун бу меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиши мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома қандай муносабатларни тартибга солиди? Уни қим тузади? Меҳнат шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан нимаси билан фарқланади? Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани қанча муддатга тузиш мумкин? Қандай турдаги ишлар ва хизматлар учун бундай шартнома тузилади ёки ишлар ва хизматларнинг муайян рўйхати мавжудми?*

– Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномадан (ФХШ) келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

ФХШ **буюртмачи** (юримдик ёки жисмоний шахс) ва **ижрочи** (жисмоний шахс) ўртасидаги муносабатларни тартибга солиди. Уни буюртмачи (юримдик ёки жисмоний шахс) ижрочи (жисмоний шахс) билан тузади.

Меҳнат шартномаси иш берувчи билан **штатдаги** ходим ўртасида тузилади.

Одатда, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома **муайян даврга** (вақтинчалик бир марталик иш) тузилади, унинг давомида ижрочи унда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни зиммасига олади. Меҳнат шартномалари эса: **нонуайян муддатга**; 5 йилдан кўп бўлмаган муайян муддатга; айрим ишни бажариш вақтига тузилиши мумкин.

ФХШ тузиш учун ишлар ва хизматларнинг белгиланган рўйхати **мавжуд эмас**. Бироқ амалиётда бундай шартномалар техник, тиббий (ветеринария), бухгалтерия, аудиторлик, ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш, алоқа хизматлари, товарлар ва материалларни ўрнатиш (масалан, кондиционерларни), етказиб бериш хизматлари, биноларни таъмирлаш, транспорт, дизайнлик, таржима хизматларини кўрсатиш учун тузилади, яъни бир марталик тусга эга вазифаларни, такрорланмайдиган режадан ташқари ишни бажариш назарда тутилади. Одатда бу ташкилот штат жадвалига кўра ходимларнинг лавозим мажбуриятлари билан назарда тутилмаган иш бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича меҳнат дафтарчалари **юримтилмайди**.

Шунингдек ФХШ бўйича ишлайдиган фуқароларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан кафолатланган

Маълумот учун!

**ПЕНСИЯ ЙИГМАЖИЛДИ** рақами шахсий ҳисобрақам **РАҚАМИ** билан бир хил бўлади.

Мавзுவий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.



хуқуқ ва имтиёзлар (масалан, йиллик меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, болани 2 ёки 3 ёшга тўлгунча парваришlash бўйича таътил, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва ҳ.к.) татбиқ этилмайди.

Қонун ҳужжатларига кўра фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишлайдиган ва ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, тақдирлаш пули ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади (Низомнинг 159-банди 2-хатбошиси, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

– Амалийтада меҳнат фаолияти ФХШ бўйича амалга оширилганда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш хуқуқини берадиган даромадни аниқлашда ҳам қийинчилик юзага келади. Айтингчи, даромад ҳисобланган суммадан аниқладими ёки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегирилгандан кейин қолган суммадими?

– Даромад суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушлаб қолингунча ҳисобланган сумма миқдорида қабул қилинади.

– Агар пенсионер меҳнат шартномаси бўйича тўлиқсиз иш кунда (0,25, 0,5 ставкада) банд бўлса ва унинг ойлик даромади ёшга доир пенсиянинг энг

кам миқдоридан ошмаса, унга пенсия тўлиқ тўланадими?

– Юқорида айтганимдек, ушбу норма фуқаролик-хуқуқий шартнома тузганларга татбиқ этилади. У меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларга татбиқ этилмайди.

Пенсионер тўлиқ ёки тўлиқсиз иш кунда банд бўлишидан қатъи назар, пенсия 50% миқдорида тўланади (пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш хуқуқига эга пенсионерлардан ташқари) (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 24-банди).

Алла Ромашко,  
мухбиримиз.

**Расмий жавоб**

## Вақтинча ёки доимий

**?** Руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётган кексаларга, шунингдек интернат уйларида яшаётганларга пенсия қандай тўланади?

Р.Ақбаралиев.  
Тошкент ш.

– Пенсионернинг стационар даволанишда бўлган даври учун пенсия тўлиқ тўланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддаси, бундан кейин – Қонун). Асосий талаб тиббиёт муассасасининг номи ва туридан қатъи назар, масалан,

руҳий касалликлар шифохонасида айна стационар даволанишда бўлиш ҳисобланади.

Бироқ Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ, руҳий беморлар интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

## Стаж, норма, имтиёз

**?** Қишлоқ жойлардаги ихтисослашган тиббий муассасаларнинг тиббиёт ходимлари пенсияга чиқишлари учун қанча муддатли иш стажи керак бўлади?

Курсенова.  
Жиззах вилояти.

– Ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимлари махсус

иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил бўлган тақдирда (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори

билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг VIII қисми) охириги иш жойидан қатъи назар, Қонуннинг 7-моддасида

Маевуий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда (аёллар – 50 ёшда, эркеклар – 55 ёшда) пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 12-моддаси «л» банди).

Шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига, ишлаш даврида амал

қилган қонунчиликка асосан мазкур тоифадаги ходимларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрлари талабларига риоя этилган тақдирда эга бўлади (АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқноманинг 25-банди).

Тиббиёт ходимлари учун иш вақти давомийлиги кунига 5,5 соат этиб белгиланган. Бу Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхати (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 4-илова) билан тартибга солинади.

**МИСОЛ.** Ихтисослашган тиббий муассаса шифокори қишлоқ жойда 25 йил, шундан 15 йил – иш вақти давомийлиги нормаларига риоя этиб, яъни кунига 5,5 ва ундан кўп соат ишлади. 10 йил кунига 5,5 соатдан кам бўлган иш вақти давомийлиги нормаси билан ишлади. Тегшишча, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажи 15 йилни ташкил этади (кунига 5,5 ва ундан ортиқ ишлаган давр). Мазкур ҳолда у имтиёзли пенсия таъминотига ҳақли бўлмайди.

## Исталган пайтда



Ёшим 54 да. Ҳозирча пенсияга ҳужжатларни расмийлаштиришни режалаштирмаяпман, чунки яна бир неча йил ишламоқчиман. Бироқ маъмурият барибир пенсияга чиқишимни талаб қилмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлари тўғрими?

Галина К.  
Тошкент ш.

– Агар буни ўзингиз истамаётган бўлсангиз, ташкилот маъмурияти сизни пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилишга мажбурлашга ҳақли эмас. Сабаби пенсияга ихтиёрий тусда чиқилади. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ,

фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

## Аскар учун пенсия



Армиядаги хизмат вақти стажга қўшиладими, пенсияни ҳисоблаб чиқаришда бу йиллар қандай ҳисобланади – бир ҳисса баробаридами ёки икки ҳисса баробарида?

Расулев.  
Тошкент ш.

– Ҳарбий хизмат, шунингдек давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 37-моддаси «б» банди). Агар у тинч вақтда ўтган бўлса, бир ҳисса баробарида ҳисоблаб чиқарилади.

Айни пайтда ҳаракатдаги армия

таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этганлик учун уч ҳисса ба-

робарида ҳисобланади (Қонуннинг 38-моддаси «а» банди).

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, пенсия олиш ҳуқуқини белгилашда унга бўлган ҳуқуқни берувчи иш стажи имтиёзли ҳисоблаш қоидаларини қўлламасдан белгиланади.

**МИСОЛ.** Киши байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда 2 йил иштирок этган. Ватанига қайтганидан кейин у атиги 4 йил ишлаган. Ёшга доир пенсия тайинлашини сўраб мурожаат қилганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи иш стажи имтиёзли ҳисоблаш қўлланмаганда 6 йилни ташкил этади. Тегшишча, талаб этиладиган 7 йиллик иш стажи мавжуд эмаслиги муносабати билан унга ёшга доир пенсия тайинланмайди (Қонуннинг 8-моддаси).

Агар ватанига қайтганидан кейин иш стажи 5 йилни ташкил этганда эди, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи стажи имтиёзли ҳисоблашни қўлламаган ҳолда 7 йилга тенг бўлган ва, тегшишча, умумий иш стажи – 11 йил (2 x 3 + 5) бўлар эди.

Мавзுவий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

## Кимга қанча

**?** Турмуш ўртоғим Жанубий Кореяда ишлайди, ҳозир ёши 58 да. Пенсия олиши учун унга 3 йиллик стаж етмаяпти. Агар пенсия бадаллари тўланса, чет элда ишланган вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши мумкинлиги ҳақида қаярдадир ўқиган эдим. Кореяда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши учун қаярга қанча тўлаш керак?

Н.П.

Тошкент ш.

– Чет элда ишланган даврлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг 40-моддаси).

Тўлаш тартиби Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-қисми) назарда тутилган.

Чунончи, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар бошқа давлатда ишлаган ҳар бир ойи учун Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ихтиёрли равишда тўлайдилар.

Улар пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб **Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари миқдорини** мувофиқ равишда, **бирок ҳар ой учун** уларни тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган **ЭКИХнинг 1 баробаридан кам бўлмаган миқдорда белгилашлари мумкин.**

**МИСОЛ.** Киши 2011–2017 йилларда Жанубий Кореяда ишлаган ва 2017 йил март ойида сугурта бадалларини тўлашга қарор қилди. Сугурта бадаллари тўланган кунда ЭКИХ 149 775 сўмни ташкил этди. Тегишинча, 2011–2017 йиллар давридаги ҳар бир ой (72 ой) учун у 10 783 800 сўм (72 x 149 775) суммасидаги сугурта бадалларини тўлаши керак.

Сугурта бадалларини оила аъзолари ёки ишончли вакиллари тўлашлари мумкин. Шунингдек уларни тўлаш хорижий валютада (бошқа давлат ҳудудидан) Пенсия жамғармасининг махсус валюта ҳисобрақамларига амалга оширилиши мумкин.

Уларни тўлаш учун яшаш жойидаги солиқ органларига мурожаат қилиш зарур.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, пенсия миқдори Пенсия жамғармасига тўланган сугурта бадаллари миқдори ва иш стажининг давомийлигига боғлиқ бўлади (Низомнинг 4-банди 2-хатбошиси).

Юқорида тилга олинганидек, сугурта бадалларининг энг кам суммаси **ойига ЭКИХнинг 1 бараваридан кам бўлмаслиги** керак.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқаришда инobatта олинган муайян



Сугурта бадалларини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

- > ҳар ойда ёки ҳар чорақда;
- > бирийла – Ўзбекистонга келган кундан бошлаб 3 ой мобайнида.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, сугурта бадаллари тўланган кундаги ЭКИХ миқдори қабул қилинади.

ойдаги (йилдаги) даромади эса Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) сугурта бадаллари суммасини Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган пайтда амал қилган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва сугурта бадалларининг қонун ҳужжатларида белгиланган жами ставкасига бўлиш ва олинган натижани 100 га қўлайтириш йўли билан аниқланади.

Бу қуйидаги кўринишда бўлади:  
 $149\,775 / (15 + 8) \times 100 = 651\,195,65$  сўм, бу ерда:  
 $149\,775$  сўм – 2016 йил 1 октябрдан белгиланган энг кам иш ҳақи – чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс учун сугурта бадалларининг ойлик суммаси;

15% – 2017 йилги ягона ижтимоий тўлов ставкаси (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун);

8% – 2017 йилги сугурта бадаллари ставкаси.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг ҳисобланган ойлик даромади (651 195,65 сўм) айни унинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинади.

Агар у, айтайлик, 1,5 ЭКИХ сугурта бадалларини тўласа, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун даромади тегишинча юқори бўлади:

$149\,775 \times 1,5 = 224\,662,5$  сўм (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс 1,5 ЭКИХ ҳисобидан тўлаган сугурта бадалли суммаси).

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ойлик даромади  $976\,793,48$  сўмни ( $224\,662,5 / (15 + 8) \times 100$ ) ташкил этади.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи.

## Ихтиёрий асосда

**?** Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий қатнашиларидан хабарин бор.

Солиқ инспекцияси ходимлари ушбу шахслар жамғариб бориладиган пенсия бадалларини мажбурий тўлашлари учун счёти тақдим этишга ҳақлими?

Аброр К.

Чирчиқ ш.

– Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда қатнашадилар (Қонуннинг 6-моддаси).

Солиқ инспекцияси ходимларининг якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзоларидан ШЖБПХга бадаллар тўлашини талаб қилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас ва унинг устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**ТАХРИРИЯТДАН.** Шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, мажбурий сугурта бадаллари эса – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан сугурта бадаллари солиқ тўловчинини календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, ойига 1 ЭКИХдан кам бўлмаган миқдорда мажбурий тартибда тўланади. Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари эса сугурта бадалларини ихтиёрий асосда – йилига ЭКИХнинг 4,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди (Солиқ кодексининг 311-моддаси).

## Пенсияни сақлашга

**?** Мен 5 ойда Ўзбекистон ташқарисига чиқиб кетяпман. Синглим пенсиямни ишончнома бўйича пластик карточкага олсин деяпман. Мен мурожаат қилган банкда менга пенсия карточкасини очишдан бош тортишди.

Пенсияни карточкада олишга ҳақлиманми? Пенсияни карточкада олишга ишончномани синглимга қолдиришим мумкинми?

Г.Азизова.

Тошкент ш.

– Ҳа, пенсия тўловларини пластик карточкада олишга ҳақлисиз (ЎзР Президентни Девонининг 15.02.2017 йилдаги 13-227-сон хати). Сиз яна тижорат банкига мурожаат қилишингиз ва пластик карточка олиш учун шартномаларни расмийлаштиришингиз, кейин эса яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига тегишли ариза топширишингиз зарур.



Агар тўловларни яшаш жойи бўйича почта бўлими ёки банкдаги депозит ҳисобварақами орқали олмақчи бўлсангиз (252-сон Низомнинг 157-банди), синглингиз кетган пайтингизда уларни олиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишончномани расмийлаштириши керак бўлади. Бунда ишончнома берган шахс пенсия

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида 1 марта келиб тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Ишончли вакил пенсия

тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт (252-сон Низомнинг 158, 160-бандлари).

Абдурашид Исмоилов,

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасининг пенсиялар ва нафақалар тайинланишини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи.

## Экспертга савол

# Мерос учун давлат божи

**?** *Судда мерос ҳақидаги иш кўрилди: эрининг вафотидан кейин квартира хотинига ўтаётган эди. Аёл – ёлғиз яшовчи III гуруҳ ногирони. Фарзандлари йўқ. У 383 000 сўм миқдорида давлат божи тўлаши кераклигини белгилашди.*

1. Фуқаролик судида мерос билан боғлиқ ишлар кўришда давлат божи тўлаш бўйича имтиёз борми?
2. Агар имтиёз бўлмаса, бож миқдори қанча?
3. Нима учун ишни нотариус эмас, балки суд ҳал қилади?

Г.Тожиева.

**1** Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида айрим шахслар – ногирон пенсионерлар учун даъволарни бериш чоғида судларда давлат божини тўлаш бўйича имтиёзлар назарда тутилмаган.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари барча даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланган (*Солиқ кодексининг 329-моддаси 19-банди*). Шу муносабат билан ариза берувчини ҳимоялаш мақсадида даъво беришлари учун ушбу ташкилотларга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Давлат божи тўланмаганда ариза ҳаракатсиз қолдирилиб, даъвогарга қайтарилади (*ФПКнинг 154-моддаси*).

**2** Судларга мулкий даъволар берилганда давлат божи даъвонинг баҳосига қараб қуйидаги миқдорларда белгиланади (*ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ставкаларнинг 1-банди «а» кичик банди*):

ЭКИХнинг 20 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 5% миқдорида;

ЭКИХнинг 20 бараваридан 40 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 10% миқдорида;

ЭКИХнинг 40 бараваридан 80 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 15% миқдорида;

ЭКИХнинг 80 бараваридан кўп бўлганда – даъво баҳосининг 20% миқдорида.

Мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича нарх мулкнинг қийматига қараб белгиланади (*ФПКнинг 105-моддаси 2-банди*).

**3** Мерос мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар, тарафи юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли (*ОС Пленумининг 13.11.2015 йилдаги 16/287-сон қарори 4-банди 5-хатбоши*).

Агар меросхўрлар ўртасида низо бўлмаса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб нотариусга мурожаат қилиш, шундан кейин квартирага мулк ҳуқуқини расмийлаштириш лозим.

Эркин Ҳосилов, «Norma Online» эксперти.

## Бизга мактуб йўллабсиз

# Меҳнат дафтарчаси қайтариладими?

**?** *Ҳолам яқинда пенсияни расмийлаштиришга ҳужжатларни топширди. Улар орасида меҳнат дафтарчаси ҳам бор эди, уни қайтариб бермадилар. Бу ҳужжат пенсионернинг шахсий йиғмажилдида қолаверадими?*

Р.Д. Тошкент ш.

– Ҳужжатларни топширганда ҳолангизга тақдим этган ҳужжатларнинг асл нусхаларини қайтариб, маълумотномалар ва меҳнат дафтарчасини йиғма-жилдда қолдирганлар. Меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимининг комиссияси

томонидан пенсияни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган сўнг ариза-зачига қайтарилади (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 11-банди).

## Тўловларни олмайдилар

**?** Қандай ҳолларда коммунал хизматлар бўйича компенсация тўловлари тўланиши тўхтатилади?

Г.Аширина.  
Тошкент ш.

– Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми билан қуйидаги ҳолларда тайинланган компенсацияни тўлаш:

- пенсия (нафақа) тўлаш муддати тамом бўлганда;
- кетма-кет 3 ойдан ортиқ вақт мобайнида почта алоқаси ташкилоти орқали компенсация олинмаганда;
- фуқаро озодликдан маҳрум этилганда;
- фуқаро руҳий беморлар интернат уйларида яшаганда;
- компенсацияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида фуқаро томонидан ариза берилганда **тўхтатиб турилиши** назарда тутилган.

Тайинланган компенсацияни тўлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам тўхтатиб турилиши мумкин.

Компенсацияни тўлаш фуқаро ёки унинг васийси томонидан компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза тақдим этилгандан, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатгандан сўнг **тикланади**.

Фуқаронинг суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган вақти учун компенсация **тўланмайди**. Фуқаро озод бўлгандан кейин компенсация тўлаш компенсацияни тўлашни тиклаш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб тикланади (АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 11-банди).

Тайинланган компенсацияни тўлаш:

- фуқаро вафот этганда;
- тайинланган компенсацияга ҳуқуқлар йўқолганда;
- доимий яшаш учун Ўзбекистон ташқарисига чиқиб кетилганда **тўхтатилади** (Низомнинг 11-1-банди).

## Талаба учун ШЖБПХ

**?** Биз коллеж талабаларимиз. Амалиёт пайтида ишга жойлашмоқчимиз. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини махсус очишимиз керакми? Агар керак бўлса, қаерга мурожаат қилишимиз лозим?

Рустам К.,  
коллеж ўқувчиси.

– Сизнинг ҳолатда ишга қабул қилишда (қонун ҳужжатларига мувофиқ), жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турмаслигингиз (ШЖБПХ ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаганингиз) боис, иш берувчи иш бошланган кундан бошлаб 5 кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун сизнинг шахсий маълумотларингизни тақдим этиши шарт (Низомнинг 11-банди, ВМнинг

21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова). ЖБПТда ҳисобга қўйиш шахсий жамғариб бориладиган пенсия



ҳисобварақлари очилишини, жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилишини ўз ичига олади.

ШЖБПХдаги маблағлар ойлик жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ҳисобига шаклланади. Уларнинг миқдори ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади. У ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгила-

нади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).

## Қарз алмашиш

*Ташкилотнинг корхонамиз олдида муддати ўтган қарзи бор. Биз хўжалик судига даъво тақдим этиб, унда ютиб чиқдик. Бироқ давлат корхонаси ҳисобланган қарздорнинг ҳисобрақамиди маблағ йўқлиги муносабати билан қарз қопланмади, у қарзни «схема бўйича» сўндиришни таклиф қилмоқда. Ўз навбатида ҳокимлик тимсолида давлатнинг қарздоримиз олдида муддати ўтган қарзи бор. Биз бундай вазиятга тўқнаш келмаган эдик.*

*Қарзни сўндириш «схемаси» нима дегани?*

Г.Саримсоқова.

– Амалиётда мажбуриятларни бажарувчи шахсларни алмаштириш усули «схема» деб номланади, ундан одатда қарздор ва унинг қарз мажбуриятларини зиммасига олувчи субъект – давлат улушига эга бўлган корхона ёки бюджет ташкилоти фойдаланади. Масалан, «Ўзбекнефтегаз» МХК тизимидаги корхоналар ва бошқалар бундай операцияларни тез-тез қўллаб турадилар.

Юридик нуқтаи назардан олганда мажбуриятларни бажарувчи шахсни алмаштириш усули талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (ФКнинг 320-моддаси) ёхуд қарзни бошқа шахсга ўтказиш (ФКнинг 322-моддаси) бўйича алоҳида шартнома билан расмийлаштирилиши керак.



Бундай ҳолларда кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Бироқ қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўл-

маса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади (ФКнинг 313-моддаси 2, 3-қисмлари).

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ёки қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари ўша шаклда амалга оширилиши керак. Агар улар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича амалга оширилса, худди шу тартибда рўйхатга олиниши керак (ФКнинг 320, 322-моддалари).

Сизнинг вазиятда қарздорнинг қарз мажбуриятлари тегишли суд қарори билан тасдиқланганлиги боис, унинг ижроси суд ижросисининг иш юретишида бўлган тақдирда унинг тегишли ижро иши юретиш тарафи алмаштирилиши ҳақида тегишли қарор қабул қилиши ҳам талаб этилади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Шу сабабли мазкур вазиятда кўрсатилган шартномалардан бирини тузиб, ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

*Чакана савдо корхонаси товарни ўзининг ойлик товар оборотидан 10% доирасида бошқа корхонага улгуржи сота оладими? Мазкур ҳолатда улгуржи савдога лицензия керакми?*

Р.Мажидов,  
бухгалтер.

## Чекланган улгуржи савдо

– Чакана савдо корхонаси ўтган ойдаги ойлик товар айланмаси умумий ҳажмининг 10%и доирасида товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиши мумкин. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотишнинг йўл қўйиладиган ҳажми ҳар бир ой учун ҳисоблаб чиқарилади. Товари кўрсатилган усул билан 10%дан ортиқ миқдорда фақат ижтимоий соҳа ташкилотлари ва муассасалари (болалар, даволаш муассасалари, қариялар уйлари, болалар уйлари, ногиронлар уйлари, ўқув ва маърифат юртлири)га сотишга рухсат берилади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 19-банди).

Улгуржи савдо билан юридик шахслар тегишли лицензия олган тақдирда шуғулланишлари мумкин (Низомнинг 3-банди). Бунда Низомнинг 19-бандида ижтимоий соҳадаги юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш учун лимит доирасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича товарларни сотувчи чакана савдо корхоналари ажратиб кўрсатилган. Алоҳида талабларнинг (лимит, товарларни олувчиларнинг рўйхати) белгиланиши қонунчиликда бундай сотиш лицензия олиш талаб этиладиган улгуржи савдога киритилмаганлиги хусусида ҳулоса чиқариш мумкинлигини аниқлатади.

## Семинарда қатнашиш: шартнома ва тўлов

Корхонамиз чакана савдо билан шуғулланади. Вақти-вақти билан мижозларимизга (жисмоний шахсларга) пуллик маслаҳатлар бериб, хизматлар кўрсатамиз. Жисмоний шахс билан шартнома тузамиз, бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома берамиз. Бухгалтерияга кўйидагилар топширилади: шартнома + далолатнома, шартнома тузилган шахс паспортининг нусхаси ва терминал чеки (тўлов пластик карталар орқали амалга оширилади). Охириги марта семинарда тўрт киши қатнашди. Тўртталаси учун бир аёл турмуш ўртоғининг пластик картасидан пул тўлади.

1. Пуллик маслаҳат берганда шартномани қандай қилиб тўғри расмийлаштириш лозим – ҳар бир киши билан алоҳидами ёки пул тўлаган киши биланми?

2. Шартнома битта фамилияга расмийлаштирилгани, терминал чекида эса бошқаси (турмуш ўртоғининг картасидан) қайд этилгани аҳамиятга эгами?

Е.Майорова,  
директор.

1 Фуқаролик қонунчилиги (ФКнинг 17–19-моддалари) нормалари талабларидан келиб чиқилса, мазкур вазиятда мижозларнинг ҳар биттаси билан алоҳида икки томонлама шартнома тузиш ёхуд уларнинг барчасини кўрсатган ҳолда кўп томонлама шартнома тузиш зарур (ФКнинг 102, 353-моддалари). Бунда ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги шартнома шартларида томонлар ўртасида келишган ҳолда уларни амалга ошириш муддатлари, усули ва бошқа жиҳатларини қайд этиш лозим.

\*Мижоз билан банк карталарини тарқатувчи эмитент ёки банк ўртасида тузилган шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи мижоз ёки мижоз томонидан ваколат берилган шахс (АВ томонидан 30.04.2004 йилда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди «о» кичик банди).

Маҳкам Воҳидов, юридик фанлар номзоди, «Norma Online» эксперти.



### 2 Йўқ, аҳамиятга эга эмас.

Қонун ҳужжатларида банк муассасаларидан ташқарида амалга ошириладиган (мазкур вазиятда бўлгани каби) операциялар бўйича учинчи шахсларнинг банк пластик карточкасида (БПК) фойдаланишда ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган. Бировнинг (айниқса яқин қариндошига тегишли бўлган) БПКдан фойдаланиш далилининг ўзи унинг эгаси розилик билдирганини аниқлатади.

Карта сақловчисидан\* унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилувчи банк муассасалари орқали ҳисоб-китоб қилишда вазият буткул ўзгача бўлади (АВ томонидан 30.04.2004 йилда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 31-банди). Бинобарин, агар тўловчи БПК эгаси бўлмаса, ундан ушбу БПКдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам талаб қилишлари мумкин.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчисининг мажбуриятлари рўйхатида мижозлар учинчи шахсларнинг БПКдан қонуний фойдаланаётганини назорат қилиш мажбурияти белгиланмаган (Низомнинг 40-банди).

## Иштирокчи ҳақли

*Масъулияти чекланган жамият иштирокчиси ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкинми?*

Д.Тангиров.

– Ҳа, масъулияти чекланган жамият муассиси ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин.

Агар бу жамият уставида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, МЧЖда кузатув кенгаши тузилади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддаси 2-қисми).

Қонунда белгиланишича, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ва коллегиял ижро этувчи органининг аъзолари (масалан, директор ва дирекция) жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас (Қонуннинг 38-моддаси 4-қисми). Бироқ жамият иштирокчисига нисбатан бундай чеклов белгиланмаган. Аксинча, Қонуннинг 38-моддаси 6-қисми мазмунига кўра, жамият иштирокчиси ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сабоҳат Султонова,  
«Norma Online» эксперти.

Реклама

ORMA

**«КОРХОНА ЮРИСТИ»**

электрон маълумотнома тизимини  
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Тақдирмаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## Экспорт тартиботини соддалаштиришда ВАОнинг ўрни (хорижий тажриба)

Бу борада ривожланган давлатларда қўлланилаётган тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ташқи савдо қатнашчиларига қулайлик яратиш, божхона расмийлаштирувни янги босқичга кўтариш мақсадида Жаҳонда савдони енгиллаштириш ва хавфсизлик стандартлари ишлаб чиқилиб, бугунги кунда мазкур ҳужжат йирик экспорт қилувчи давлатлар амалиётида қўллаб келинмоқда. Мазкур Стандартлар ҳалол, божхона қоидаларига амал қилувчи корхона-ташкilotлар, декларантлар, товарлар етказиб берувчи транспорт ва экспедиторлик компаниялари учун товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш тартиботларини соддалаштиришга қаратилган. Ушбу соддалаштирилган тизимга хорижий давлатлар ўз экспорт фаолиятида ваколатли иқтисодий операторларни (*кейинги ўринларда* – ВАО) ташкил этиш орқали эришишмоқда.

ВАО – божхона органлари томонидан улар фаолиятига махсус ҳуқуқий мақом берилганидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси бўлиб, улар божхона меъёрлари ёки товарларнинг хавфсизлигини таъминлаш стандартларига мувофиқ бўлган юридик шахсдир.

Жаҳон божхона ташкилоти талқинига кўра, ВАО – фаолияти ЖБТнинг меъёрларига ёки товарларни етказиб бериш занжири хавфсизлигини таъ-

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда экспорт тартиб-таомилларини соддалаштиришдан кўзланган асосий мақсад бюрократик хусусиятга эга бўлган ортқиқча расмийчиликларни бартараф этиш, товарлар оқими устидан ўрнатилган назорат самарадорлигини ошириш, экспорт жараёнини тезлаштириш ҳамда экспортёрларга энг қулай шарт-шароитларни яратишдир.

минлаш стандартларига мувофиқ бўлган ва божхона органлари томонидан маъқулланган ТИФ қатнашчиси бўлиб, улар сирасига ишлаб чиқарувчилар, импортёрлар, экспортёрлар, брокерлар, ташувчилар, консолидаторлар, даллоллар, портлар, аэропортлар, терминаллар, омборлар операторлари, дистрибьюторлар киради\*.

Хорижий давлатлар божхона хизматлари томонидан белгиланган мезон талабларига жавоб берувчи экспортёр ташкilotларга ВАО мақоми берилди. Мазкур мақомни олиш учун талабгор экспортёрларга қуйидаги бир қатор талаблар қўйилади:

○ талабгорнинг божхона органларидан божхона тўловлари бўйича қарздорлиги бўлмаслиги;

○ фаолияти давомида белгиланган тартибларни бузмаган ва жавобгарликка тортилмаганлиги;

○ ВАО мақомини олиш учун белгиланган божхона божлари ва солиқларни тўлай олиш қобилиятига эга бўлиши;

○ божхона операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тақдим этилган маълумотлар билан ўтказилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларни солиштириш имконини берувчи товарлар ҳисобини юритиш тизимига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқарувчилар учун мазкур

мақомнинг берилиши божхона назорати тартиб-таомилларидан ўтишда экспортчиларга қуйидаги енгилликни тақдим этади:

○ олиб чиқилаётган юклар божхона кўригидан озод этилади;

○ божхона тўловларини кечиктириб тўлаш имконияти мавжуд;

○ экспорт махсусотлари биринчи навбатда божхона расмийлаштирувдан ўтказилади;

○ товарларнинг божхона чегарасидан олиб ўтилиши тезлашади;

○ экспортёрнинг божхона йиғимлари бўйича харажатлари тежаллади.

Мазкур имтиёзлар натижасида экспорт жараёни тезлашади.

Бундай имтиёзлар яратилиши натижасида бугунги кунда хорижий давлатлар ташқи савдо фаолиятида ВАО сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Хусусан, энг йирик экспорт қилувчи давлатлардан бўлмиш АҚШда – 10,8 минг, Германияда – 5 минг, Голландияда – 1,5 мингта ҳамда Европа иттифоқида 17 мингта ВАО фаолият юритаётир.

Хулоса қилиб айтганда, ВАО институтининг амалга киритилиши келгусида экспорт улушини орттириш, иш самарадорлигининг кўтарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва иқтисодийта давлатнинг иштирокини камайтириб, экспорт операциялари билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштиришга хизмат қилади.

Ҳакимжон Ёмиров,  
мустақил тадқиқотчи.

\*Framework of Standards to Secure and Facilitate Global Trade ([www.wcoomd.org](http://www.wcoomd.org)).

### ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

## Қўшнинг уйига ўт кетса...

Биз ҳаммамиз бир жамиятда бир мақсад – юртни обод қилиш гоёси билан яшаймиз. Шундай экан, қўни-қўшни, ён-атрофимиздагиларнинг қорига яраш, ўзаро тинч-тотувликда умргузаронлик қилиш ҳаётимизни янада нурафшон қилади.

Лекин баъзан шундай бўладики, бизнинг шахсий манфаатларимиз атрофдагиларга ноқулайлик келтиради, азият етказилади. Гап ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳақида кетмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (30.09.2009 йилдаги ЎРҚ-226-сон) 12-моддасида, жумладан, шундай дейлади: «Аҳоли пунктларини ривожлантириш ва уларда иморат қуришни режалаштириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнгин хавфсизлигини таъ-

минлаш тегишинча шахарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкilotлари зиммасига юклатилади». Аммо айрим ҳолларда ҳамшаҳарларимиз қонунчиликнинг бу талабларига бепасанд муносабатда бўладилар.

Масалан, 2003 йилда ишлаб чиқилган 2.07.01-03 Шаҳарсозлик норматив қоидаларининг (ШНҚ) 15-бандида 9 қаватгача бўлган кўп қаватли уйларнинг ташқи деворларидан 5–8 метргача, 9 ва ундан юқори бўлган кўп қаватли уйларнинг ташқи деворидан 8–10 метргача ёнгин ўчириш

махсус автомобиллари, автонарвонлари ҳамда автокўтаргичларини тўсиқсиз ўрнатиш имкони бўлиши шартлиги кўрсатилган. Лекин Яшнобод тумани ички ишлар бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари туман ҳудудидаги баланд қаватли уйлар, кўча, мавзе, даҳалар атрофини ўрганиб чиқишганда ёнгин ўчириш автоуловларининг ўтишига тўсиқлик қилувчи бир қанча сунъий тўсиқларни ҳамда махсус нарвонли автоуловлар ўрнатилишига ҳалақит берувчи осмонўпар бўлиб кетган дов-дарактлар борлигини аниқлашди.

Бундай ҳолатлар ёнгин ўчириш автоуловларининг ёнгин жойига ўз вақтида ўтиб бора олмамлигига, ёнгинларда қўтқарув ишларини бажаришга ҳамда ёнгиннинг катта майдонга тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Масалан, ту-



манимизнинг Тузель даҳасидаги кулер цехининг кийиниш хонасида ёнгин чиққан. Ўт ўчирувчилар воқеа содир бўлган жойга бравакт етиб келишганига қарамай, ёнгинни зудлик билан ўчириш имконига эга бўлмайдилар. Сабаби цехга олиб ўтадиган 16–17-уйлар орасида бетон тўсиқлар қўйилган эди. Натижада олов 15 кв. метрлик майдонни ўз домига тортиб улгурди. Агар шу жойда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда иш юритилганида бу талафотнинг

олди олинган бўлиши ҳам мумкин эди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда юртдошларимиз кўп қаватли уйлар атрофи, кўча ва маҳаллаларда ўзбошимчалик билан ўрнатилган сунъий тўсиқларни олиб ташлашлари ҳамда кўп қаватли уйларнинг олдидаги йўлақларда шахсий автоуловларни қолдириб кетмасликлари керак бўлади.

Ҳаким Жўраев,  
Яшнобод туман ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.

Иқтисодий – ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРЪОНБОЕВ

Навр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир  
Зулфия  
Саидмуратовна  
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 200-00-90  
Обуна бўлими тел. 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz),  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz),  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлиди ва саҳифаланди.  
Навр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 Боомет талбон, Баҳоси келтирилган нархда.  
Буюртма 874. Адади 1 205. Газета 2017 йил 18 март соат 19.00 да топирилиди.

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича 200-00-30;  
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;  
Рекламини жойлаштириш бўйича  
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига  
муросалат қилиш мумкин.